

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ КУРИШ АСОСЛАРИ КАФЕДРАСИ

КАТТА ЎҚИТУВЧИ

РАШИДОВА БАХТИГУЛНИНГ

ШЕЪРЛАРИДАН ПАРЧАЛАРИ

ЖИЗЗАХ-2010

Бахтигул Рашидова
Жиззах политехника институти
маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи

Сизларга ҳавасим келар

Миллатга қанотсиз, эй ўғил-қизлар,
Эртанги кунимиз эгаси сизлар,
Кўнгиллар эзгулик, шодликка тўлар,
Эҳ, ёшлар сизларга ҳавасим келар!

Ўзбекистон дерлар ёшлар диёри,
Бахтли келажакдир унинг шиори.
Сиз миллат ғурури, эрк ҳамда ори,
Эҳ, ёшлар, сизларга ҳавасим келар!

Мустақил юртимнинг шарафи-шони,
Ҳар қандай зафарга бордир имкони.
Умидли ёшларсиз, Ватан қалқони,
Сиз каби ёшларга ҳавасим келар!

Яратмоқ ишқи дилга бўлсин жо,
Бешигингизда улғайсин даҳо.
Яна кўп бора лол қолсин дунё,
Эҳ, ёшлар, сизларга ҳавасим келар!

Маънавият эшигин кенгроқ очингиз,
Маърифат булоғи сувин ичингиз,
Ақлу заковат-ла дунё қучингиз,
Ғайрат, шижоатдан кўнгиллар тўлар,
Сиз каби ёшларга ҳавасим келар!

Ватан қароғимдасан.

Сен илоҳий бир туйғу,
Бизни боғлаб тургу-чи.
Сал узоқлаб кетсак гар,
Юрак сўраб тургу-чи.
Сен қалбимни ёритган.
Нурли чироғимдасан,
Ғанимлардан беркитай,
Ватан қароғимдасан.
Юрагимнинг қатига
Қоним ила боғланган
Шул замин тупроғига
Жоним ила боғланган.

Сен шундайин бир хилқат
Ғамингда мен ёнаман.
Онам каби бағрингда,
Меҳрингда ҳам қонаман.
Сафарларда юрсам гар,
Соғинч,сўроғимдасан.
Гар олисда бўлсам ҳам,
Ватан қароғимдасан.
Ватан деган бул сўзни,
Юрак ила туяман.
Онажоним, заминим,
Кўксингда бош қўяман!
Ватан деган кам бўлмас ,
Тупроғини кўзга сур.
Азиз бошинг ҳам бўлмас,
Қароғингда бўлсин нур!

Бахтигул Рашидова
Жиззах политехника институти
маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи

НАВРЎЗИМ

Юртимга меҳмондир, бу фасли кўклар,
Дилларга хуш ёқар, хуш ёқар бирам.
Эзгуликка йўғрилган, шундайин байрам,
Наврўзим –юртимга тинчлик олиб кел.

Ортларда қолсинлар,оғиз момолар,
Хуш насим келтирсин,субҳи-саболар
Дилларга эзгулик шодлик солиб кел.
Наврўзим- юртимга тинчлик олиб кел.

Гул сайлига чорлайди,гулга шайдолар,
Дилда ишқ уйғонар, сабаб Лайлолар.
Дуога қўл очинг, мунис момолар,

Наврўзим юртимга ,тинчлик олиб кел.

Нурларинг сочавер, эй Бобоқуёш,
Бойчечак сайлига чиқсин кекса-ёш.
Сумалак, ҳалиму, қозон тўла ош,
Наврўзим- дилларга шодлик олиб кел.

Интиқиб кутганим - ўзинг Наврўзим,
Ашъорлар битганим сўзим Наврўзим.
Қадриму, анъанам юзим Наврўзим,
Наврўзим-юртимга тинчлик олиб кел!

АСРАГИЛ

Ҳар бир юртнинг ўз халқи бор, номи бор,
Ўтмиши бор, кечмиши бор, шони бор.
Оллоҳ берган туз-насиба-нони бор,
Ўғлон, бугун ўз номингни асрагил,
Ор-номуси виждонингни асрагил!

Кўҳна юртнинг даҳолари кўп бўлган,
Элин қадрин, илм қадрин хўп билган.
Келажагим, авлодим деб хўп елган,
Тарихингни, кечмишингни эслагил,
Хотирангни, ўтмишингни, асрагил!

Алпомишлар авлодисан, изисан,
Мустақил юрт ғурурисан, юзисан.
Халқимнинг сен қалқонисан, кўзисан.
Ватанингни, қўрғонингни асрагил!
Келажагинг, давронинги асрагил!

Кўкда парвоз айласалар лочинларинг,
Уйда кутар гўзал ёр ул Барчинларинг.
Бир қадамдир энди Чину мочинларинг,
Ўғлон, бугун лочинларинг асрагил!
Вафодор ёр, Барчинларинг асрагил!

ТАЛАБАЛАРИМ

Бугун иқбол кулган сиздадир имкон,
Ҳаёт йўли эмас текис ва равон,
Оғушига олди Сизни ҳур замон,
Йўлингиз ойдиндир – ТАЛАБАЛАРИМ.
Илмга чанқоқлик талаб сизлардан,
Тез илғай оламиз сезгир кўзлардан,
Хулоса қиласиз ҳар бир сўзлардан,
Билимга ташна сиз – ТАЛАБАЛАРИМ.
Илмнинг йўллари ўнқир ва чўнқир,
Зиёсиз инсоннинг қалб кўзи сўқир.
Юртимиз қуёши сиз билан балқир,
Ватаним эртаси – ТАЛАБАЛАРИМ.
Ярим ҳазил, ярим чин «ОНА» атайсиз,
Турфа гуллар дастасин бизга атайсиз.
Ҳақлигингиз билиб сўздан қайтмайсиз,
Беғубор кўнгилли – ТАЛАБАЛАРИМ.
Менинг ўғлонларим, илми толиб сиз,
Юртимизни яшнатинг, билим олиб сиз,
Ҳам ўқиш, ҳам ишда асли ғолиб сиз,
Алпомишу – Рустам ТАЛАБАЛАРИМ.
Мажнунтоғлар тагида қалдирғоч мисол,
Тизилишиб ўлтирар ҳусни ой мисол.
Сўзим асло сизларга келмасин малол,
Барчинойу Зухро – ТАЛАБАЛАРИМ.

ТОНГ МУБОРАК

Оппоқ бўлиб тонглар отди,
Тўрт тарафга бонг таратди,
Мудроқ халқимни уйғотди,
Оппоқ тонглар муборак,
Ёруғ кунлар муборак,
Мард ўғлонлар уйғонсинлар,
«Ватан» дея тўлғонсинлар,
Ориятга чўлғонсинлар,
Оппоқ тонглар муборак,
Ёруғ кунлар муборак,

Қалбда бўлса юрт туйғуси,
Ўғлонларнинг мард бўлғуси,
Ухлатмайди халқ қайғуси,
Оппоқ тонглар муборак,
Ёруғ кунлар муборак,
Элим, ўзлигингни суяман,
Очиқ юзлигингни суяман,
Ширин сўзлигингни суяман,
Оппоқ тонглар муборак,
Ёруғ кунлар муборак,

Бахтигул Рашидова
ЎзДЖҚА каф.катта ўқитувчиси